# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 28 сентябрь, № 191 (6626) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

## Ахборот-коммуникация технологиялари ва тараққиёт

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда "ICTWEEK Uzbekistan — 2016" ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини самарали амалга ошириш масалалари" мавзуида семинар ташкил этилди.

Парламент қуйи палатаси депутатлари, вазирлик ҳамда идораларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўлинмалари раҳбар ва мутахассислари, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда журналистлар қатнашган мазкур тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ҳамда самарадорлигини оширишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ҳолати, истиқболлари муҳокама қилинди.

"Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонун мамлакатимизнинг социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тараққиётида муҳим ўрин тутиши қайд этилди. Бинобарин, Қонунда жамоат ва давлат қурилиши соҳасига илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш жараёнлари комплекс ҳамда тизимли равишда тартибга солинган. Бу эса, ўз навбатида, жамият ҳаётини демократлаштиришни янада жадаллаштириш, фуқароларни қарорлар қабул қилиш жараёнига жалб этишни кучайтириш, ахборотдан ва замонавий давлат электрон хизматларидан фойдаланиш тизимларини ривожлантириш учун зарур ташкилий-техник шароитлар яратишга хизмат қилади.

Семинарда давлат бошқаруви ҳамда жамиятни демократлаштиришда ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти катта экани, сўнгги йилларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтлари функцияси, параметрлари сифат ҳамда сон жиҳатидан яхшилангани таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

## Маънавий юксалишнинг муҳим омили

Темурийлар тарихи Давлат музейида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида "Шахс маънавиятининг юксалишида музейлар фаолиятининг аҳамияти: қонунчилик, амалиёт ва истиқболдаги вазифалар" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда парламент аъзолари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, музейлар раҳбарлари ва журналистлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, ҳеч бир халқ ёки миллат маънавиятини унинг тарихидан, миллий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, дунё тамаддунига беқиёс улуш қўшган кўҳна заминимиздаги маданий ҳамда тарихий ёдгорликлар, бетакрор осориатиқалар, неча минг йиллик топилма ва ашёлар, нодир қўлёзмалар наинки халқимиз, балки умумжаҳон меросининг ноёб намуналари ҳисобланади.

Мана шундай бебаҳо бойликни асраб-авайлаш, миллий тарихимиз ҳамда анъаналаримизни чуқур ўрганиб, илмий асосда таҳлил ва тарғиб этиш, аждодларимиз хотирасини эъзозлаш, айниқса, ёш авлодни маънавий юксалтиришда музейлар алоҳида ўрин тутади.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда мустақиллик йилларида музейлар фаолиятини тартибга солиш, изчил ривожлантириш мақсадида йигирмадан ортиқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар амалиётга татбиқ қилинди. Хусусан, "Музейлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Президент Фармон ҳамда қарорлари ва бошқа ҳужжатлар асосида музейлар фаолияти янгиланиб, уларнинг моддий-техника базаси замон талабларига мос равишда мустаҳкамланди. Темурийлар тарихи Давлат музейи, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи сингари маънавий-маданий масканлар бунёд этилди.

Республикамиз Биринчи Президентининг 1998 йил 12 январдаги "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони халқимиз тарихини тўлақонли акс эттирувчи ноёб ашёларни тўплаш, уларни асл ҳолича сақлашни таъминлаш, мамлакатимизда шаклланган музейлар тизимини ривожлантириш ҳамда жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллашга доир шарт-шароитлар яратишда дастуриламал бўлди.

(Давоми 2-бетда).

# АНИҚ МАҚСАДЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

## саноат тармоқлари ривожига хизмат қилмоқда

Ички бозор юқори сифатли ҳамда рақобатдош маҳсулотлар билан тўлдирилишида оқилона инвестиция сиёсати муҳим роль ўйнамоқда. Чунки иқтисодиётимизга жалб этилаётган сармоялар янги қувватларни ишга тушириш, мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилаяпти.

ИНТИЛИШ





Норин тумани маркази — Ҳаққулобод шаҳридаги "Norin Bottlers" масъулияти чекланган жамияти ҳам аниқ мақсадли инвестиция ёрдамида фаолиятини барқарор йўлга қўйиб олган ишлаб чиқариш субъектларидан биридир.

Гап шундаки, бундан икки йил аввал жамиятга 7,5 миллиард сўм миқдорида сармоя киритилгач, бу ерда ишлар юришиб кетди. Ушбу маблағ ҳисобига Германия ҳамда Польша давлатларидан ичимлик сувини тозалаш, қўшимча моддалар билан тўйинтириш ва қадоқлашга мўлжалланган замонавий технологик линия олиб келиб ўрнатилди. Натижада маҳаллий бозорга чанқовбосди ичимликлар чиқарила бошланди.

— Бугунги кунда истеъмол бозорида таклиф этилаётган бундай маҳсулотлар тури кўплиги сабабли, улар орасидан муносиб ўрин эгаллаш осон эмас, — дейди ушбу корхона иш юритувчиси Салмонжон Нурматов. — Айни жиҳатдан келиб чиқиб, технологик жараённи такомиллаштириш орқали маҳсулот сифатини яхшилаш, уни харидорга бежирим, янгича дизайндаги идишларда тавсия этиш доимий эътиборимизда.

(Давоми 2-бетда).

## Округ сайлов комиссиялари фаолиятини бошлади

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси қизғин паллага кириб бормоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг дастлабки ташкилий мажлислари бўлиб ўтди.

САЙЛОВ — 2016

Уларда юртимизда шу йилнинг 4 декабрь куни бўладиган сайловга амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Асосий тадбирлар дастурига мувофиқ, пухта тайёргарлик кўрилаётгани таъкидланиб, округ сайлов комиссияларининг иш режалари тасдиқланди ва комиссиялар аъзолари ўртасида вазифалар тақсимлаб олинди.

— Сайлов кампанияси давомида миллий қонунчилигимизга қатъий риоя этиш ҳамда фуқароларимизнинг ўз хоҳиш-иродасини намоён қилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини демократия принципларига тўлиқ таянган ҳолда ўтказиш ва пировард натижада мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш имконини беради, — дейди 1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси раиси У. Жалменов. — Комиссиямиз аъзолари буни чуқур англайди, ўз фаолиятини тегишли қонун ҳамда қонунчилик талаблари асосида олиб боради. Ўтказилган биринчи ташкилий мажлисимизда бу борада атрофлича сўз юритилди.

Округ сайлов комиссияларининг мажлисларида сайловнинг амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилишида комиссиялар аъзоларига катта масъулият юкланиши айтиб ўтилди.

— Комиссия аъзоларининг сайлов қонунчилиги, сайловни ташкил этишнинг амалий жиҳатлари бўйича билим ва кўникмаларини янада ошириш олдимизда турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади, — дейди 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси раиси Ф. Тошев. — Бунда Марказий сайлов комиссияси томонидан округ сайлов комиссиялари аъзолари учун сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш ва сайлов кампаниясига дахлдор бошқа масалалар бўйича семинар-тренинглар ташкил қилиш мўлжалланаётгани айни муддаодир.

Округ сайлов комиссиялари мажлисларида сайлов жараёнининг очиқ ҳамда ошкоралигини таъминлаш катта аҳамиятга эга экани кўрсатиб ўтилди. Бинобарин, мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган демократик ислоҳотлар, жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти шаффофлигини таъминлаш, фуқароларнинг ахборот олиш бўйича ҳуқуқларини рўёбга чиқариш борасида бажарилган тизимли ишлар натижасида аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда маданияти, сиёсий фаоллиги тобора юксалиб бормоқда.

— 3-Бухоро округ сайлов комиссиясининг биринчи мажлисида сайловчиларни сайлов кампаниясининг барча босқичи хусусида мунтазам хабардор қилиб бориш, бунда марказий ва вилоят оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни кучайтириш масаласига урғу берилди, — дейди комиссия раиси ўринбосари Қ. Турсунов. — Округ сайлов комиссияси қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Бухоро вилояти матбуот маркази ташкил этилди. Мазкур марказ сайлов жараёнининг очиқ ҳамда ошкоралигини таъминлаш, сайлов кампанияси жараёнларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, номзодларнинг сайловолди дастурлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича мустақил нуқтаи назарларини сайловчиларга етказиш, энг муҳими, сайлов қонунчилиги талаблари, ундаги янгиликлар билан жамоатчиликни хабардор этиб боришда ҳал қилувчи ўрин тутади.

(Давоми 2-бетда).

АНЖУМАН

Юртимизда миллий қонунчиликни такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги жараёнига демократик тамойилларни кенг татбиқ қилиш, шу орқали инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари изчиллик касб этмоқда.

## Норма ижодкорлиги такомиллашмоқда

Хусусан, амалиётга йўналтирилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Асосий Қонунимиз мезонларига, узоқни кўзлаб олиб борилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлиши таъминланаяпти. Бинобарин, ўтган йилларда республикамизда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар томонидан қонунлар ҳамда уларни ҳаётга жорий этиш механизмларини ҳар томонлама аниқ ва пухта ишлаб чиқиш, норма ижодкорлиги фаолиятини самарали йўлга қўйиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Пойтахтимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари экспертизасини такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб вазифаларга бағишлаб ўтказилган халқаро анжуман айни йўналишдаги миллий амалиёт ҳамда жаҳон тажрибасини таҳлил қилиш, қонун ижодкорлигини янада ривожлантириш юзасидан ўзаро фикр алмашиш имконини берди.

Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, шунингдек, БМТнинг Тараққиёт дастури ва К. Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил қилинган тадбирда парламент аъзолари, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази ҳамда Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея каби қатор давлатлар экспертлари, журналистлар қатнашди.

(Давоми 2-бетда).

## Оилавий қадриятлар — жамият мустаҳкамлигининг асосий шарти

ИЖТИМОИЙ ФИКР

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан "Оила ва маънавият" мавзуида социологик сўров ўтказилди. Бундан кўзланган мақсад юртимиздаги оилаларнинг барқарор маънавий-ахлоқий қадриятларини, мазкур муқаддас даргоҳнинг анъанавий ижтимоий тузилма сифатидаги ривожланиш омилларини аниқлаш, уни мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга етишидаги аҳамиятини тадқиқ этишдан иборатдир.

Сўров шуни кўрсатдики, ҳамюртларимиз учун оила жамият таянчи, комил фарзандни тарбиялашнинг маънавий-ижтимоий асосларидан бири саналади.

Респондентларнинг 94,5 фоизи давлат томонидан оилаларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор кўрсатилаётганини таъкидлади. Улар республикамизда мазкур институтда маънавий-ахлоқий қадриятларни чуқур қарор топтиришга устувор аҳамият қаратилмоқда, деган қатъий фикрда.

Тадқиқот давомида оилаларда ахлоқ меъёрлари шаклланишига энг кўп таъсир кўрсатадиган омиллар ҳам ўрганилди. Бинобарин, бу борада оила, маҳалла, таълим муассасалари, ижтимоий муҳит ҳамда телевидениенинг устувор таъсири ҳақидаги қараш юртдошларимиз тафаккурида барқарор бўлиб қолаётгани ўз ифодасини топди.

Социологик сўровда миллий ўзликни англаш тамойилларига эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда).

# Ахборот-коммуникация технологиялари ва тараққиёт

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кунда деярли барча давлат органлари интернет тармоғида ўз веб-сайтларига эга бўлиб, улар кўмагида электрон давлат хизматлари кўрсатиб келинаётир.

Муҳокамалар жараёнида БМТнинг яқинда нашр этилган жаҳонда ахборот соҳасининг ривожланишига оид шарҳи иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди. Унда баён этилган "Электрон ҳукумат"ни ривожлантириш рейтинги Ўзбекистон бу соҳада муайян ютуқларга эришганини кўрсатади. Шунингдек, БМТ томонидан тузилган фуқароларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, қарорлар қабул қилиш ва давлатни демократик бошқариш жараёнларидаги иштироки даражасини намоён этувчи "Электрон иштирок" рейтингига кўра, юртимизда бу борада кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилаётир.

Тадбирда "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонунни қўллаш самарадорлигини ошириш бўйича тегишли қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида қабул қилиш юзасидан фикр алмашилди.

Якунда ушбу соҳадаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Маънавий юксалишнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузурида ташкил қилинган "Ўзбекмузей" жамғармаси барча турдаги музейлар фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга зарур илмий-услубий ёрдам кўрсатиб келаяпти.

Тадбирда ҳозирги кунга келиб, юртимиздаги музейлар сони 444 тага етгани ҳамда уларда жами 2 миллион 159 мингдан ортиқ экспонат сақланаётгани айтиб ўтилди. Ўтмиш ва бугунни боғлаб турувчи мазкур масканларнинг 135 таси давлат бюджетидан молиялаштирилса, 99 таси нодавлат, 200 дан ортиғи коллеж ҳамда мактаб музейлари сирасига киради.

Музейларга аҳоли, биринчи навбатда, ўқувчи ва талаба-ёшларни янада кенг жалб этиш, шу орқали уларда ўзликни англаш, Ватанни севиш туйғуларини камол топтириш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Жорий йилда мамлакатимиздаги ана шундай муассасаларда 1 минг 200 га яқин кўргазмалар, 73 мингдан ортиқ экскурсиялар уюштирилди. Аҳамиятлиси, йилнинг биринчи ярмида ушбу масканларга 18 миллиондан зиёд аҳоли ташриф буюрди. Уларнинг салмоқли қисми ёшлардан иборат экани ғоятда қувонарли.

Анжуманда амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ишларни эътироф этган ҳолда, музейлар фаолиятини янада ривожлантириш билан боғлиқ истиқболдаги вазифаларга урғу берилди. Музейларда экспозицияларни тиклаш ҳамда бойитиш, хавфсизликни таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни, шунингдек, электрон чипта тизимини жорий қилиш, миллий музей фондининг электрон каталогини тубдан қайта кўриб чиқиш ва хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш, миллий меросимиз, қадимий тарихимиз ҳамда маданиятимизни тарғиб қилиш учун музейларга хорижий сайёҳлар эътиборини янада кўпроқ тортиш шулар жумласидандир.

Давра суҳбатида сенаторлар соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ривожланган давлатларнинг музейлар фаолиятини йўлга қўйиш борасидаги илғор тажрибаларини ўрганиб, уларни миллий қонун ҳужжатларида акс эттириш ҳамда амалиётга йўналтириш ҳаётий зарурат эканини таъкидладилар.

Қизғин муҳокама якунида тавсиялар қабул қилинди.

**Ф. ИБРОҲИМОВА.**

# Норма ижодкорлиги такомиллашмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қайд этилганидек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда норма ижодкорлиги жараёнини тартибга солиш ва босқичма-босқич ривожлантириб бориш, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифатини таъминлашга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. "Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги, "Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида"ги ҳамда "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги каби қатор қонунлар амалиётга йўналтирилди.

Иштирокчилар шулар хусусида сўз юритар экан, замон талабларини инобатга олган ҳолда, бугунги кунда мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти қуриш жараёнида норма ижодкорлигини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини профессионал даражада ташкил этиш давлат ҳамда жамият ҳаётида қонун устуворлигини кафолатлашнинг асосий шартларидан саналади. Бу эса қонун ва қонун ости ҳужжатлари лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларига, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш вазифаларини қамраб олади.

— Ҳуқуқий экспертиза лойиҳада тартибга солинаётган соҳага салбий таъсир кўрсатадиган зиддиятларни ҳамда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни ўз вақтида бартараф этиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида коррупция юзага келишига ҳамда бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишига шароит яратиши мумкин бўлган қоидаларни аниқлаш ҳамда бунинг зарур чорасини кўришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга, — дейди Адлия вазирлигининг иқтисодий қонунчилик бошқармаси бошлиғи ўринбосари Регина Шахназарян. — Шу ўринда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тегишли давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали — my.gov.uz га муҳокама қилиш учун жойлаштириш тартибининг йўлга қўйилгани норма ижодкорлиги жараёнида фуқаролар иштирокини фаоллаштириш йўлида муҳим қадам бўлганини айтиш керак. Ушбу тадбир фуқароларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда бевосита қатнашиши, уларни янада такомиллаштиришга ҳисса қўшиши учун кенг имконият яратди.

Амалий мулоқот руҳида ўтган тадбирда қонун ҳужжатларини баҳолаш, норма ижодкорлиги жараёнига ахборот-таҳлилий жиҳатдан кўмаклашишда илмий-тадқиқот хизматларининг роли, бу борада ривожланган мамлакатлар илғор тажрибаларини ўрганиш масалалари муҳокама қилинди. Унда сўзга чиққан халқаро экспертлар Ўзбекистонда норма ижодкорлигини янада такомиллаштириш соҳасидаги ислоҳотларни, икки палатали парламентнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини юқори баҳоладилар. Мазкур жараёнга фуқаролик жамияти институтлари ҳам кенг жалб қилинаётгани айни муддао эканлиги эътироф этилди.

— Ўзбекистонда барча соҳа қаторида хусусий сектор вакиллари манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга эътибор кучайиб бораётгани мақсадга мувофиқ, — дейди Корея Республикаси Давлат қонунчилиги вазирлиги Қонунчиликка кўмаклашиш бюроси Бош директори Хан Ёнг Су. — Қонунчилик асосида тадбиркорлик субъектларига яратилаётган имтиёз ва қулайликлар уларнинг ривожланишига, мамлакатингиз иқтисодий тараққиётига хизмат қилмоқда.

Тадбир якунида давлат органларининг сифатли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш соҳасидаги фаолиятини янада ривожлантириш, қонун ҳужжатларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларга таъсирини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, бу борада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Округ сайлов комиссиялари фаолиятини бошлади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мажлисларда округ сайлов комиссиялари фаолияти ҳамда уларда иш юритишни тўғри ташкил этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

— Округ сайлов комиссияси фаолиятини тўғри ташкил этиш сайловни қонун талаблари асосида ўтказишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади, — дейди 4-Жиззах округ сайлов комиссияси раиси Абдумажид Сатторов. — Комиссиянинг самарали фаолият кўрсатиши учун ҳамма имконият мавжуд. Биз учун ажратиб берилган Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими биносида зарур шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, унинг марказда жойлашгани ҳар жиҳатдан қулайлик туғдиради. Комиссия биноси замонавий алоқа ва ахборот-коммуникация воситалари, мебеллар билан жиҳозланган. Комиссиянинг дастлабки мажлисида иш режамизни тасдиқлаб, аъзолар ўртасида вазифаларни тақсимлаб олдик. Шу билан бирга, сайловга оид қонун ҳужжатлари қоидаларини, уларнинг мазмун-моҳиятини фуқаролар, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил қилиш юзасидан тегишли вазифалар белгиланди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**



# АНИҚ МАҚСАДЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

## саноат тармоқлари ривожига хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Масалан, кейинги пайтларда бир қатор қўшимча дастгоҳлар ўрнатиб, маҳсулотни сақлаш ҳамда жўнатишга мўлжалланган омборни кенгайтирдик.

Бу каби янгиланишлар туфайли корхона ишлаб чиқариш қуввати ортди. Жумладан, фаолият бошлаган дастлабки пайтда соатига 6 минг дона идишга сув қадоқланган бўлса, эндиликда мазкур кўрсаткич 8 минг донага етказилди. Шунга мос равишда жамоа аъзолари сони ҳам кўпайди. Ҳозирги кунда бу ерда 80 нафардан ортиқ кишилар меҳнат қилишаяпти.

"Norin Bottlers"нинг ярим литрдан беш литргача бўлган сиғимдаги пластик идишларга қадоқланган маъданли сувлари бугун қўшни — Андижон ва Фарғона вилоятларидаги савдо шохобчаларидан мустаҳкам ўрин олди. Бу Норин замини қаъридан чиқаётган, таркиби кальций, магний, натрий хлорид, сульфат, гидрокарбонат каби ўнга яқин фаол минераллардан иборат сувнинг инсон саломатлигига жуда фойдали эканлигидан кўпчилик хабардор бўлди, деганидир.

Корхонада кейинги пайтда маҳсулотнинг янги тури — хушбўй чойлар ҳам қадоқланмоқда. Пировардида бу ерда тайёрланган товарларга бўлган талаб ортиб, жорий йилнинг ўтган саккиз ойида 8,8 миллиард сўмликдан зиёд ичимлик аҳолига етказиб берилди. Бу эзгу мақсадга йўналтирилган сармоя корхонага ҳам, халқимизга ҳам фойда келтираётганидан яққол далолатдир.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

**Фуқаролик кодекси:**

# Инсон манфаатлари — устувор

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази томонидан Тошкент давлат юридик университети, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) ва БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда "Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" мавзуида халқаро давра суҳбати ўтказилди.

**ДАВРА СУҲБАТИ**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси қабул қилинганининг йигирма йиллиги муносабати билан ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, умумий юрисдикция ҳамда хўжалик судлари судьялари, прокуратура органлари, ННТ ва юртимизда аккредитация қилинган чет эл ташкилотлари вакиллари, хорижлик экспертлар, республикамизнинг барча ҳудудидан ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирда мамлакатимиз иқтисодиёти, халқимиз фаровонлиги ва интеллектуал салоҳиятининг юксалиб боришида, шубҳасиз, Фуқаролик кодексида белгиланган тамойилларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, мазкур ҳужжат тўлов, шартнома муносабатлари, тадбиркорлик тузилмасининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, кредитлаш ва инвестиция сиёсатида ишончли механизмларни жорий этиш, хусусий ҳамда интеллектуал мулк, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни ечишда мустаҳкам асос вазифасини ўтаётир.

Фуқаролик кодекси икки қисмдан иборат тизимли меъёрий ҳужжатдир. Биринчи қисмида фуқаролик муносабатларида иштирок этувчи шахслар, фуқаролик ҳуқуқи объектлари, битимлар ва вакиллик тушунчаси, муддатлар ва даъво муддати, мажбуриятлар ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, шартнома сингари қатор масалалар қамраб олинган. Кейингиси махсус қисм бўлиб, унда мажбуриятларнинг алоҳида турлари, интеллектуал мулк, мерос ҳуқуқи, халқаро-хусусий ҳуқуқ нормаларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда қўлланилиши билан боғлиқ нормалар белгилаб берилган.

— Юртингизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари қандай самара бераётганлигидан яхши хабардорман, — дейди Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг Марказий Осиё бўйича дастури директори Йорг Пуделька. — Жумладан, Ўзбекистон фуқаролик қонунчилиги замон талабидан келиб чиққан ҳолда, изчиллик билан такомиллаштирилмоқда. Фуқаролик кодекси халқаро талабларга тўла мос келиши шу саъй-ҳаракатлар самараси ҳисобланади. Муҳими, бу ҳужжат ўтган йигирма йил давомида Ўзбекистон барча жабҳада, айниқса, иқтисодиёт соҳасида қўлга киритган улкан ютуқ ва натижаларда ўзига хос ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилди, десак, айни ҳақиқат. Анжуман чоғида мазкур фикрлар ўз тасдиғини топди. Айни чоғда бу борада Германияда тўпланган тажрибалар билан ўртоқлашдим.

Давра суҳбати фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш, одил судловни рўёбга чиқаришда фуқаролик ҳуқуқининг аҳамияти, интеллектуал мулк объектлари, мажбурият ҳуқуқи каби йўналишлар бўйича секцияларга бўлинган ҳолда давом эттирилди. Хусусан, учинчи секция мажбурият ҳуқуқига бағишланиб, унда мутахассис олимлар томонидан мазкур тушунча мазмун-моҳияти атрофлича очиб берилди.

Тадбир якунида фуқаролик қонунчилигини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Оилавий қадриятлар — жамият мустаҳкамлигининг асосий шарти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу тамойиллар ўзи туғилиб-ўсган заминга нисбатан чексиз муҳаббат, миллий анъана ва одатларга ҳурмат, она тили орқали ўз миллатига мансублигини чуқур англаш, халқини севиш ҳамда унга ўзини маънавий уйғун деб ҳис қилиш, тарихи билан фахрланиш туйғуларига асосланади.

Натижаларга қараганда, мамлакатимиз аҳолисининг мустақил ва бахтли оила қуриш шартлари кўрсаткичларига бўлган муносабати ўзгаришсиз қолмоқда. Эр-хотин ўртасидаги ўзаро ишонч, бири-биридан розилиги бу борада биринчи ўринни эгаллайди. Респондентларнинг фикрича, уларнинг ўзаро муҳаббати, фарзандлар оила барқарорлиги ҳамда мустақиллигини белгиловчи муҳим омиллар ҳисобланади.

Иштирокчиларнинг мутлақ катта қисми (96 фоиз) ўз оиласини мустаҳкам ва бахтли, деб билади. Ўзаро ишонч, муҳаббат асосида барпо этилган никоҳ саодатли оилавий ҳаёт пойдеворидир. Бундай фикр узоқ йиллардан буён сақланиб келинаётир.

Юртимиз аҳолиси ёши улуғларга ҳурмат, меҳнатсеварлик, камтарлик, ўзини жамиятда муносиб тутиш ҳамда кекса авлодга эътиборни баркамол авлод тарбиясидаги устувор йўналишлар, деб ҳисоблайди. Респондентлар ҳар иккинчисининг фикрига кўра, оилавий мажбуриятлар ота ва она ўртасида тенг тақсимланган оилаларда маънан етук ҳамда соғлом болалар улғаяди.

Ёш авлод ўз ота-оналарининг муҳим қадрият бўйича қарашларига ҳамфикрдирлар. Айни чоғда фарзандлар камолида катта авлоднинг роли ошиб бораётир. Сўровда ушбу жиҳатлар ҳам акс этди. Шундай экан, ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда бир неча авлод вакиллари яшовчи оиланинг салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида уни янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиздаги аксарият оилаларда болаларни юксак ахлоқий қоидалар руҳида вояга етказишга алоҳида эътибор берилаётгани, аввало, фарзандлар онгу қалбига меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат, ҳалоллик, Ватанга муҳаббат туйғулари сингдирилаётгани тадқиқотда ўз инъикосини берди.

Социологик тадқиқот асносида ёшлар ўртасида олий маълумот олишга бўлган интилиш юксалиб бораётгани яна бир бор тасдиғини топди. Ўз навбатида, юртдошларимизда фарзандларини олий таълим муассасаларида ўқитиш имконияти ҳам ошган. Фуқароларимизнинг мутлақ катта қисми ўғил-қизларининг келажакка ишончи мустаҳкам ҳамда улар баркамол улғаймоқда, деб ҳисоблайди.

Халқимиз болалар саломатлигини мустаҳкамлашни муҳим деб билади. Шу боис ёш авлодда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига бўлган қизиқиш ҳамда эҳтиёж шаклланаяпти. Респондентлар юртимизда болалар спортини ривожлантириш ва умуман, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш стратегиясини фаол маъқуллаб, бу "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури асосида амалий ифодасини топаётганини эътироф этган.

Қатнашчиларнинг аксарияти (96,7 фоиз) оилавий ажримларга салбий муносабат билдирган. Зеро, бу болаларнинг таълим-тарбияси ҳамда келажагига жиддий путур етказади.

Умуман, мазкур ижтимоий сўров Ўзбекистон аҳолиси учун оила бош ҳаётий қадрият ва етук авлодни тарбиялашнинг муҳим мезони бўлиб қолаётганини яна бир бор тасдиқлади. Халқимизнинг фикрича, мамлакатимизда ушбу муҳим институтни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган самарали ҳамда изчил сиёсат, кўрсатилаётган юксак ғамхўрлик шарофати билан оилаларимизнинг моддий аҳволи ва ҳаёт сифати тобора яхшиланмоқда, уларнинг маънавий-ахлоқий ҳолати мустаҳкамланаётир.

**«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида Саиджон МАХСУМОВ тайёрлади.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 27 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2292,27 | 1 Миср фунти | 338,99 | 1 Украина гривнаси | 115,82 | 1 Туркия лираси | 1007,40 | 1 Кувайт динори | 9988,39 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3906,64 | 1 Исландия кронаси | 26,35 | 1 Малайзия ринггити | 728,33 | 1 Швейцария франки | 3103,94 | 10 Жанубий Корея | |
| 1 Дания кронаси | 453,43 | 1 Канада доллари | 2286,86 | 1 Польша злотийси | 785,77 | 1 Сингапур доллари | 2211,59 | вони | 27,17 |
| 1 БАА дирҳами | 819,64 | 1 Хитой юани | 451,32 | 1 Норвегия кронаси | 370,80 | 1 евро | 3379,55 | 10 Япония иенаси | 298,22 |
| 1 АҚШ доллари | 3010,20 | 1 Россия рубли | 47,13 | 1 СДР | 4211,00 | 1 Швеция кронаси | 352,72 | 100 Ливан фунти | 200,11 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# Илғор тажрибалар ва ютуқлар намойиши

*Замонавий технологиялар, ноёб ишланмалар, илғор дастурлар намойиши билан барчада катта қизиқиш уйғотган “ICTWEEK UZBEKISTAN — 2016” ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги якунланди.*



Мазкур анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан уюштирилди.

Айтиш жоизки, ҳафталик дастуридан ўрин олган тадбирлар қамрови кенглиги, мавзулар ранг-баранглиги, қизиқарлилиги ва интерактивлиги билан ажралиб турди. Жумладан, унинг доирасида АКТ бўйича миллий форум, халқаро саммит, конференция ҳамда давра суҳбатлари, семинарлар, “Best Soft Challenge” ва “Intellect2All” танловлари ғолибларини тақдирлаш маросимлари, ахборот хавфсизлиги бўйича Ўзбекистонда дастлабки “Cyber Security Challenge Uzbekistan” мусобақаси ўтказилди.

Тошкент ахборот технологиялари университетида Марказий Осиёдаги дастлабки Ахборот технологиялари ва тармоқлари автоматлаштирилган академияси фойдаланишга топширилгани эса ўзига хос қувончли воқеа бўлди.

Ушбу ўқув даргоҳи фаолияти “Huawei” компанияси билан ҳамкорликда Тошкент ахборот технологиялари университетида жорий этилган янги “HAINA” илмий-таълим лойиҳаси доирасида йўлга қўйилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида пойтахтимизда ўтказилган конференцияда ахборот хавфсизлиги соҳасидаги янги йўналишлар ҳам муҳокама этилди. Хусусан, ахборот хавфсизлиги аудити, юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларни бошқариш, ахборот тизимлари, ресурслар ва шахсий маълумотлар муҳофазасини таъминлаш, электрон тизимларнинг заиф жойларини аниқлаш ҳамда назорат қилиш, ахборот хавфсизлиги соҳасида кадрлар тайёрлаш каби долзарб масалалар мутахассислар томонидан чуқур ўрганилди. Тадбирда жаҳонга машҳур “Eset” ва “LG” компаниялари, Халқаро электр алоқа уюшмаси ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ўз ишланмаларини тақдим этгани эътиборга молик.

Ахборот технологиялари лойиҳалари бўйича “Intellect2All” ҳамда ахборот хавфсизлиги бўйича “Cyber Security Challenge Uzbekistan” танловлари ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам ёшлар диққатини тортган тадбирлардан бири бўлди.

Дастурчи, дизайнер ва менежерлар замонавий бозор учун долзарб бўлган веб-лойиҳа ҳамда мобиль иловалар устида реал вақт режимида иш олиб борди. Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Навоий, Тошкент вилоятлари ва пойтахтимиз жамоалари танловнинг 30 миллион сўмлик мукофот жамғармасига сазовор бўлиш учун ўзаро баҳслашди.

Веб-ишланма номинациясида Фарғона вилоятининг “FSIX” жамоаси Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари суратларидан фойдаланган ҳолда яратган “All360.uz” веб-саҳифаси учун биринчи ўринни қўлга киритди. “Мобиль иловалар” номинациясида Бухоро вилояти жамоаси томонидан яратилган “Bot rabbit” иловаси энг яхши, деб топилди. Виртуал реаллик иловалари наминациясида “Gallery” лойиҳасини яратган Тошкент шаҳри жамоаси ғолиб бўлди.

Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги мусобақалар ҳам қизиқарли ўтди. Танловнинг якуний босқичида иштирокчиларга замонавий кибермакон воқеликларига имкон қадар яқинлаштирилган топшириқлар берилди.

Шунингдек, ахборот хавфсизлиги бўйича “Cyber Security Challenge Uzbekistan” мусобақаси ҳам уюштирилди.

Шу тариқа ҳафталик ахборот-коммуникация технологиялари бозорини янада ривожлантириш, бу борадаги сўнгги ютуқлар билан танишиш, ҳамкорликни йўлга қўйиш, ёш мутахассисларни тарбиялаш каби бир қанча хайрли мақсадларга хизмат қилгани билан ёдда қолди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

**2017 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институти ҳамда мустақил изланувчиликка қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади.**

**Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига:**

**17.00.02** — Театр санъати ва кино санъати. Телевидение — 1 ўрин.
**13.00.02** — Таълим-тарбия назарияси ва методикаси — 1 ўрин.

Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:
— ректор номига ариза;
— маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
— олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёхуд фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
— тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
— илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларига фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
— талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжати нусхаси;
— етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги;
— талабгор камида икки йиллик илмий ёки илмий-педагогик иш стажига эга бўлиши лозим.

**Мустақил изланувчиликка:**

**17.00.02** — Театр санъати ва кино санъати. Телевидение.
**13.00.02** — Таълим-тарбия назарияси ва методикаси.

Мустақил изланувчиликка талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:
— ректор номига ариза;
— иш жойидан тавсифнома;
— маълумотнома;
— олий таълим ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
— тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
— талабгорнинг илмий ва илмий-тадқиқот фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжати нусхаси;
— илмий ишлар ва илмий ҳисоботлар (патентлар) рўйхати.
— талабгор камида беш йиллик амалий иш стажига эга бўлиши лозим.

***Ҳужжатлар 2016 йил 15 октябрдан 15 ноябрга қадар қабул қилинади.***

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч мавзеси, 127-«А» уй.**
**Маълумот учун телефонлар: (0-371) 230-28-03, 230-28-14.**

1456R/640



**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» Қорақалпоғистон минтақавий филиали томонидан 2016 йил 1 август куни тузилган битимга асосан, қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Нукус шаҳри, Хўжайли гузари кўчаси, рақамсиз уйда жойлашган, умумий майдони 10963,9 кв. м. бўлган бино-иншоотлар: маъмурий бино, назоратдан ўтказиш пункти, устахона, материал-техника омбори, ишлаб чиқариш цехи (мойка).

***Бошланғич баҳоси — 1 481 544 947 сўм 15 тийин.***

**2.** Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Байналмилал кўчаси, 104-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 1909 кв. м. бўлган компрессор станцияси.

***Бошланғич баҳоси — 4 281 354 264 сўм 65 тийин.***

**3.** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 74-уйда жойлашган, умумий майдони 1080 кв. м. бўлган савдо дўкони биноси.

***Бошланғич баҳоси — 3 177 265 953 сўм 68 тийин.***

**4.** Сирдарё тумани, Сирдарё шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, рақамсиз уйда жойлашган, умумий майдони 19902 кв. м. бўлган ишлаб чиқариш бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 3 816 546 247 сўм 86 тийин.***

Аукцион савдоси 2016 йил 12 октябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 10 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлигига оид ҳужжат билан бирга қуйидагилар тақдим этилади:
— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;
— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, расмийлаштирилган ишончнома, ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Аукцион савдоси ғолибига 20 (йигирма) кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги МФО: 00585, СТИР: 207122519, 20208000504920609003 ҳисоб рақамига ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

**Манзил: Нукус шаҳри,**
**А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй.**
**Тел./факс: (0-361) 222-84-44.**
**www.1kms.uz**
**Электрон почта: user14@inbox.uz**

1464R/180

Хизматлар лицензияланган.





**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2016 йил 29 апрелдаги 23-1608/1995-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Хўжайли тумани, «Саманкол» ОФЙда жойлашган, ер майдони 0,4 гектар, фойдаланиш майдони 1225,53 кв. м. бўлган 20 хонали чойхона биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 500 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 12 октябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 10 октябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулк билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил:**
**Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри,**
**А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават.**
**Телефон: (0-361) 222-84-44.**
**www.1kms.uz**

1465R/180

Хизматлар лицензияланган.



**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Навоий вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Кармана тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2016 йил 15 июндаги 10-1518/10156-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Турсунбой Мансур» МЧЖга тегишли, Кармана тумани, Маликработ қўрғони, Истиқлол кўчасида жойлашган, ер майдони 10000,0 кв. м., фойдаланиш майдони 1501,95 кв. м., 81 хонадан иборат бўлган меҳмонхона биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 670 279 614 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 12 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 10 октябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

**Манзил: Навоий шаҳри,**
**Давлат рақобат қўмитасининг Навоий вилояти**
**ҳудудий бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават.**
**Телефон: (0-436) 224-44-01. www.1kms.uz**

1468R/180

Хизматлар лицензияланган.



**«Best realtor» МЧЖ Наманган минтақавий филиали**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**1.** Аукцион савдосига Чуст тумани СИБ томонидан ЖИБ Чуст тумани судининг 2016 йил 4 августдаги 1-257-16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Чуст тумани, Чуст шаҳри, «Гулистон» МФЙ, Тошкент кўчаси, 1-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 41,60 кв. м. бўлган, 1 хонадан иборат 28-хонадон қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 24 334 439 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Чуст тумани СИБ томонидан ЖИБ Чуст тумани судининг 2016 йил 25 майдаги 1-145-16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Чуст тумани, Чуст шаҳри, «Бирлик» МФЙ, Чустий кўчаси, 107-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 71,90 кв. м. бўлган, 3 хонадан иборат 10-хонадон қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 91 720 715 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 31 октябрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 28 октябрь куни соат 18.00.

**1.** Аукцион савдосига Тўрақўрғон тумани СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2010 йил 11 мартдаги 16-1004/224-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, «Сайрам» ҚФЙ, «Елхон» МФЙда жойлашган, Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти Наманган филиалига тегишли қуйидаги иссиқхона бинолари такроран қўйилмоқда:

* 1-иссиқхона биноси, қурилиш ости майдони — 313,72 кв. м.

***Бошланғич баҳоси — 9 440 102 сўм.***

* 2-иссиқхона биноси, қурилиш ости майдони — 313,72 кв. м.

***Бошланғич баҳоси — 9 440 102 сўм.***

* 3-иссиқхона биноси, қурилиш ости майдони — 313,72 кв. м.

***Бошланғич баҳоси — 9 440 102 сўм.***

* 4-иссиқхона биноси, қурилиш ости майдони — 313,72 кв. м.

***Бошланғич баҳоси — 9 440 102 сўм.***

* 5-иссиқхона биноси, қурилиш ости майдони — 313,72 кв. м.

***Бошланғич баҳоси — 9 440 102 сўм.***

* 6-иссиқхона биноси, қурилиш ости майдони 313,72 кв. м.

***Бошланғич баҳоси — 9 440 102 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Янгиқўрғон тумани СИБ томонидан ФИБ Янгиқўрғон туманлараро судининг 2015 йил 10 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, «Навкент» ҚФЙда жойлашган, «Фозилжон Шоҳжаҳон савдо сервис» МЧЖга тегишли, қурилиш ости майдони 114,16 кв. м., фойдаланиш майдони 92,87 кв. м. бўлган маиший хизмат кўрсатиш бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 17 октябрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 14 октябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖ Наманган минтақавий филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000800433601001, МФО: 00223, СТИР: 303179580.

Хизматлар лицензияланган.

**Манзил: Наманган шаҳри, Бобораҳим Машраб кўчаси, 7-уй.**
**Телефон: (0-369) 227-85-25. www.emulk.uz**
**Электрон почта: best.namangan@inbox.uz**

**Билдириш**

«Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 17 сентябрдаги 184 (6619)-сонида чоп этилган эълон бўйича, Наманган шаҳар СИБ томонидан «Best realtor» МЧЖ Наманган минтақавий филиалининг аукцион савдосига чиқарилган, Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, «Сайрам» ҚФЙда жойлашган, Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани филиалига тегишли иссиқхона биноси аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қиламиз.

***Асос:*** Суд департаменти Наманган вилояти ҳудудий бошқармасининг 2016 йил 22 сентябрдаги 16-01-5587/2-сонли хати.

1460R/540



**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**

«Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 17 сентябрдаги 184 (6619)-сонида чоп этилган эълондаги «2016 йил 4 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига» жумласи бундан кейин «2016 йил 7 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига» деб ўқилишини маълум қилади.

Хизматлар лицензияланган.

1457R/366



**POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ**

**Micros®**

Штрих-код сканерлари
Моноблоклар
Харидор учун дисплей
Чек принтерлари



***ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:***
- савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
- бутик, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси;
- ресторанлар, кафе, барлар;
- фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ҳамда бошқалар.

Тарозилар



Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чек принтерлари, савдо тарозилари.
Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».

Маҳсулотлар сертификатланган.
Хизматлар лицензияланган.

Кичик Бешёғоч к., 86 (шаҳар ДЙҲХБнинг собиқ биноси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: (+99871) 281-43-65.

www.micros.uz;
e-mail: scales@micros.uz, micros@micros.uz

1149R/525

## 1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

*Халқимиз Ватанимиз тараққиёти, унинг порлоқ истиқболини суюкли фарзандларимиз қиёфасида, тимсолида, келажагимиз ворисларининг яратувчанлик кучида кўради. Бинобарин, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк истиқболи ҳам, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг келгусида жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, униб-ўсиб келаётган ўғил-қизларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ.*

# Баркамол авлод — бахту иқболимиз



Мамлакатимизда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим тизими тубдан ўзгарди, мактаблар янгидан қурилди, реконструкция қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида олий ўқув даргоҳлари замонавий қиёфа касб этди. Улардаги таълим жараёни ҳам сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, бугун Тошкент ахборот технологиялари университети ёки Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалларининг муҳташам бинолари, уларнинг ўқув ҳамда илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлик даражаси ривожланган давлатларникидан қолишмайди. Бу ерда таълим олаётган бахтиёр ўғил-қизларимизнинг билим ва салоҳияти ҳам ҳавас қилгудек.

Юртимизда ўқитувчи-мураббийлар меҳнати эъзозланиб, уларга чуқур ҳурмат ҳамда эҳтиром кўрсатилаяпти. Мана, 20 йилдирки, мамлакатимизда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Халқимиз учун ғоятда қадрли бўлган бундай айём дунёда камдан-кам учрайди. Бу жонкуяр ўқитувчи, муаллимлар, устоз ҳамда мураббийларнинг меҳнати, Ватанимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссасининг эътирофидир. Бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан педагоглар ҳам таълим сифатини ошириш, фарзандларимизга замонавий илм-фан ҳамда касб-ҳунар асосларини чуқур ўргатиш, улар онгига юксак инсоний туйғу ва фазилатларни сингдиришда бор куч-ғайратларини аяшмаяпти.

2012 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти томонидан қабул қилинган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор навқирон авлод тарбиясини юксалтириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур ҳужжат ёш авлодга илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида чет тилларини ўргатиш, малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг жаҳондаги илм-фан ютуқлари, ахборот-ресурсларидан самарали фойдаланишлари ҳамда халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун кенг имконият яратди. Ҳозирги кунда юртимиздаги барча таълим муассасаларида инглиз, немис, француз, испан тиллари чуқур ўргатилаяпти.

Ўйлаб кўринг, илгари болаларимизнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор, ғамхўрлик кўрсатилган, дея оламизми?! Яқин ўтмишни эсга олсак, ачиниш ҳиссини туямиз холос. Гап шундаки, ўғил-қизларимизнинг орзу-умидлари саробга айланиб, қобилиятлари юзага чиқмай қолаверарди. Мактабимизнинг хароб аҳволидан хижолат чекардик. Махсус синфхоналар ҳақида орзу қилиб ҳам бўлмасди. Шундай шароитда икки босқичда дарс берардик. Бахтимиз шуки, истиқлол йилларида бундай манзараларга бутунлай барҳам берилди.

Фарзандларимиз тарбияси ҳақида сўз юритганда, албатта, бу масаланинг муҳим жиҳати бўлган спортни тилга оламиз. Чунки соғлом ҳамда баркамол авлодни вояга етказишда унинг ўрни беқиёсдир. Шу мақсадда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, ёшларимиз ўртасида спортни оммалаштиришнинг ноёб тизими яратилган. Чекка-чекка қишлоқларда ҳам юзлаб замонавий болалар спорти объектлари бунёд этилди. Ҳозир улар ёшлар билан гавжум. Эртамиз эгалари эришаётган ютуқлар ҳам салмоқли.

Шу ўринда бир мисол. Мактабимизнинг 9-синф ўқувчиси Ширин Раҳимова — спортнинг шотокан каратэ-до тури бўйича етти карра Ўзбекистон, уч бор жаҳон чемпиони. Спорт усталигига номзод. Ўтган йили дунё биринчилигида қатнашиб, битта кумуш, иккита бронза медални қўлга киритди. 2015 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси бўлди. Унга ўхшаган фарзандларимиз кўп.

Муҳими, бугунги авлод мустақил юртда ҳеч кимдан кам бўлмай камол топмоқда. Уларнинг юриш-туриши, одоб-ахлоқи, дунёқараши, интилишлари ҳам шунга яраша юксак даражада. Бири тадбиркор, бошқаси кашфиётчи, яна бири йирик корхонада иш юритувчи, қанчадан-қанчаси эса жаҳонга танилган спортчи. Улар эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир.

Бугун мамлакатимиз таълим тизими юқори поғонага кўтарилди. Соҳага қаратилаётган юксак эътибор самарасини ҳар қадамда кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Ёшларнинг қалбига қулоқ тутсангиз, улар билан бирга қувониб, болаларимизнинг бетакрор камоли учун бутун борлиғини, меҳрини, эътиборини бахш этган Биринчи Президентимиздан чексиз миннатдор бўласиз.

**Анор МАҲМУДОВА,**
**Гурлан туманидаги 5-мактаб директори,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 17 СЕНТЯБРДАН 23 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ

**Хабар**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директорининг 2016 йил 18 августдаги 99-сон «Чиқиндиларни қайта юклаш станцияларидан техник фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

**2016 йил 19 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2825 (2016 йил 26 сентябрдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 13 сентябрдаги 69-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 августдаги ПФ–4822-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2016 йил 20 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2826 (2016 йил 26 сентябрдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2016 йил 14 сентябрдаги 84-н-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 3-иловаси 10-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2016 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1186-11 (2016 йил 26 сентябрдан кучга кирди).**

4. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 25 августдаги 62-сон «Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек дорихона муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2016 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2118-2 (2016 йил 26 декабрдан кучга киради).**

5. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2016 йил 21 сентябрдаги 561-сон «Менежмент тизимларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2016 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2754-1 (2017 йил 1 январдан кучга киради).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 августдаги ПФ–4751-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2713, 2015 йил 28 август).

**Адлия вазирининг 2016 йил 20 сентябрдаги 230-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**


### «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
### Тошкент минтақавий филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2013 йил 26 августдаги 11-1332/8067-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Юқори Чирчиқ агротехсервис» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони, Баҳор кўчасида жойлашган, умумий майдони 637,20 кв. м., 4 та бинодан иборат бўлган (хизмат биноси — 189,72 кв. м., ошхона биноси — 163,53 кв. м., бостирма — 22,32 кв. м., омборхона биноси — 261,63 кв. м.) кўчмас мулклар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 262 500 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 26 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 24 октябрь куни соат 16.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404920609021, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Тел./факс: (0-371) 228-78-96.**
**www.1kms.uz Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1449А/180


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


### «KIM OSHDI SAVDO SERVIS» МЧЖ



**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

* 2016 йил 31 октябрь куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Урганч тумани СИБ томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2016 йил 30 майдаги 22-1603/3899-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 90 090 КАА бўлган, «Lacetti» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 30 419 000 сўм.***

* Аукцион савдосига Янгиариқ тумани СИБ томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2016 йил 15 августдаги 22-1503/6866-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиариқ тумани, Каттабоғ қишлоғида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

**1.** 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 90 056 МАА бўлган, «MANCLA 18280 4X2» русумли ҳамда 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 90 2179 АА бўлган яримтиркама (зерновоз).

***Бошланғич баҳоси — 99 086 500 сўм.***

**2.** 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 90 174 МАА бўлган, «Damas» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 13 391 400 сўм.***

**3.** 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 90 785 МАА бўлган, «ISUZU NQR71PL» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 51 570 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 31 октябрь куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 28 октябрь куни соат 18.00.

**Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил қатнашиши учун қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Kim oshdi savdo servis» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004959643001, МФО: 00580, СТИР: 302221689.

Гувоҳнома № 4621.

**Телефонлар: (0-362) 228-48-46, (+99891) 421-00-88. www.koss.uz**

1463А/653



### «VIP REAL ESTATE» МЧЖ
**аукцион савдосига таклиф этади.**

2016 йил 19 октябрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

**I.** Тошкент вилояти хўжалик судининг 2014 йил 5 сентябрдаги 11-1432/5199-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Мармар кўчаси, 1-уйда жойлашган:

**1.** Майдони 1155,51 кв. м. бўлган (0001-литер) 2 қаватли маъмурий бино.

***Бошланғич баҳоси — 761 381 563 сўм.***

**2.** Майдони 377,42 кв. м. бўлган (0006-литер) маҳсулот кесиш (штрип) цехи биноси.

***Бошланғич баҳоси — 115 714 260 сўм.***

**3.** Майдони 668,65 кв. м. бўлган (0013-литер) мармардан мозаика ишлаб чиқариш (мазалит) цехи биноси.

***Бошланғич баҳоси — 78 288 178 сўм.***

**4.** Майдони 242,50 кв. м. бўлган (0008-литер) компрессор биноси.

***Бошланғич баҳоси — 101 519 607 сўм.***

**5.** Майдони 241,88 кв. м. бўлган (0004-литер) 2 қаватли гараж маъмурияти биноси.

***Бошланғич баҳоси — 101 593 041 сўм.***

**6.** Майдони 805,03 кв. м. бўлган (0003-литер) гараж 1-бокс биноси.

***Бошланғич баҳоси — 155 855 469 сўм.***

**7.** Майдони 805,03 кв. м. бўлган (0005-литер) гараж 2-бокс биноси.

***Бошланғич баҳоси — 169 543 054 сўм.***

**II.** ЖИБ Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани судининг 2016 йил 12 апрелдаги 1-101-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 95-уйда жойлашган, умумий майдони 31,60 кв. м., тураржой майдони 17,40 кв. м. бўлган, 1 хонадан иборат 12-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 31 150 887 сўм.***

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида мулк учун тўловни тўлиқ амалга ошириши лозим.

Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Vip real estate» МЧЖнинг АТ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак:

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, хорижий юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотнома.

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0-595) 143-0-143.**
**Электрон почта: info@realtors.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1455R/465



XORAZM KO’CHMAS MULK savdo servis

### «Xorazm ko‘chmas mulk savdo servis» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**1.** Аукцион савдосига Қўшкўпир тумани СИБ томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2016 йил 30 майдаги 22-1603/3917-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Қўшкўпир Зафар» МЧЖга қарашли, Қўшкўпир шаҳарчаси, Шароф Рашидов кўчасида жойлашган, ер майдони 44,27 кв. м., қурилиш ости майдони 44,27 кв. м., фойдаланиш майдони 31,35 кв. м. бўлган бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 14 168 566 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Урганч тумани СИБ томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2016 йил 6 апрелдаги 22-1605/856-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Khorezm-Tech» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон — Корея қўшма корхонасига қарашли, Урганч тумани, Чаккашоликор қишлоғи, «Шерматлар» МФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 595,27 кв. м. бўлган, фойдаланиш майдони 546,31 кв. м., 4 хонадан иборат омборхона биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 185 983 080 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Урганч тумани СИБ томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2016 йил 6 апрелдаги 22-1605/856-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Урганч тумани МТП» МЧЖга қарашли, Урганч тумани, Чаккашоликор қишлоғи, «Шерматлар» МФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш ости майдони 4957,0 кв. м. бўлган гараж биноси ва иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 777 112 400 сўм.***

**4.** Аукцион савдосига Урганч шаҳар СИБ томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2015 йил 18 сентябрдаги 22-1504/7900-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Caravan Xiva» хусусий корхонасига қарашли, Урганч шаҳри, Аз-Замахшарий кўчаси, 57-«В» уйда жойлашган, ер майдони 174.19 кв. м. бўлган бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 200 000 000 сўм.***

**5.** Аукцион савдосига Урганч шаҳар СИБ томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2015 йил 18 сентябрдаги 22-1504/7900-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Mahsum kapital group» МЧЖга қарашли, Урганч шаҳри, Саноатчилар кўчаси, 12-уйда жойлашган, ер майдони 2412,50 кв. м. бўлган бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 710 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 26 октябрь куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 25 октябрь куни соат 18.00.

**Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Xorazm ko‘chmas mulk savdo servis» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804935791001, МФО: 00580, СТИР: 302101924.

Хизматлар лицензияланган.

**Буюртманомалар Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда қабул қилинади.**
**Телефонлар: (0-362) 228-48-46, (+99891) 999-99-56. www.xkmss.uz**

1466А/654



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 912 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.37 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5 6